O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH VA ISTE’MOLCHILAR
HUQUQLARINI HIMOYA QILISH QO‘MITASI

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

“Compliance” – бу нима?



“Compliance” сўзи инглизча сўз бўлиб, “мувофиқлик”, “риоя” маъноларини англатади



Яъни, мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек компаниянинг ўзи қабул қилган ички сиёсатлар, таомилларга риоя этилмаслиги туфайли юзага келадиган хатарлар назорати ва бошқарувини англатади



МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ҚАНДАЙ ТИЗИМ?

Монополияга қарши комплаенс – *фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хатарларини аниқлаш ва мазкур хатарларнинг олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизими*

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни (9-модда)

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНСНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ



Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш



Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши хатарларини бошқариш



Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш



Инсофли рақобатни шакллантириш ва тартибга солиш

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ҚУЙИДАГИЛАРДА МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

- Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда;
- Товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда;
- Охирги уч йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг ўртача йиллик миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ошадиган ҳамда устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлатга тегишли бўлган юридик шахсларда;
- Охирги уч йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг ўртача йиллик миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ошадиган ҳамда устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши 50 фоизни ва ундан ортиқни ташкил этадиган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларда;
- Юридик шахсларнинг бирлашмаларида.

Тизимни ташкил этиш ва унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ким томонидан амалга оширилади?













Тизимни жорий этиш ва фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланади



Давлат бошқаруви органида



Маҳаллий ҳокимият органида



Хўжалик юритувчи субъектларда

ВАКОЛАТЛИ ШАХСНИНГ (БЎЛИНМАНИНГ) АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- Рақобат қонунчилиги талаблари бузилишини мониторинг қилиш
- Рақобат қонунчилиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ички ўрганишларни ташкил этиш
- Фаолиятга тегишли материалларни таҳлил қилиш, бунда рақобат ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва чораларни ишлаб чиқиш
- Қонунбузилиш хавфларини камайтириш мақсадида “йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш
- Тизимни ташкил этиш бўйича ички низом ишлаб чиқиш ҳамда унинг тасдиқланишини таъминлаш
- Рақобат қонунчилиги талаблари бузилиши хавфлари билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритиш ва юзага келиш эҳтимолини белгилаш
- Фаолиятда рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш

Рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишда қуйидагилар қамраб олинади



МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР



24 та

Республика ижро этувчи ҳокимият органларида



139 та

Монопол корхоналарда



35 та

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида



23 та

Давлат иштирокидаги корхоналарда

*Жами **221 та** давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс жорий этилди*

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОРГАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва фаолиятини юритишда ҳамда рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилишида кўмаклашиш



Корхоналар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни ўрганиш ҳамда камчиликлар ва қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, корхоналарга тегишли огоҳлантиришлар бериш



“Йўл харитаси”ни корхоналар томонидан амалга оширилиши натижаларини ўрганиш ва самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш



Консалтинг компанияларни, халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда семинарлар, конференциялар ва амалий тренингларни ташкил қилиш



Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ижросини мониторинг қилиш ҳамда бошқа чора-тадбирларни назарда тутувчи намунавий низомни ишлаб чиқиш ва корхоналарга етказиш

Монополияга қарши комплаенс тизимининг МАҚСАДИ

Рақобат қонунчилиги талаблари бузилишининг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, уни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!